

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 23 февраль  
сешанба  
№ 07 (1263)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



КЎР БЎЛСАНГ ҲАМ,  
КЎРСАВОД БЎЛМА!

2-БЕТ



ФИРИБ  
(ҲИКОЯ)

3-БЕТ

ҚАЧОНГАЧА “ОТАНГА БОР,  
ОНАНГА БОР...” ДЕЙСИЗ?

7-БЕТ



## АДЛИЯ ТАШАББУСИ:

## “ТОШКЕНТ ҲУҚУҚ БАҲОРИ”

II Халқаро форумига тайёргарлик



**А**длия вазирлиги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ислохотларнинг ташаббускор ижодкори ва энг фаол ижроچиси сифатида эътироф этилмоқда.

Бу вазирлик тизимининг қўлга киритаётган ютуқларида, одамларнинг, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг соҳага билдираётган юксак ишончида ўз ифодасини топмоқда.

Тан олиш керак, Адлия вазирлиги ҳамisha янги ғоялар, янги лойиҳалар ижодкори сифатида юртимиз имижини халқаро майдонларда намойиш этиш, керак бўлса, мустақамлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигини дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Адлия вазирлиги давлат бошқарув органлари орасида биринчи бўлиб ISO 37001: 2016 сертификатини қўлга киритганлиги, вазирликда коррупцияга қарши кураш тизими менежменти ушбу халқаро стандарт талабларига жавоб беради, деб топилгани албатта сўзнинг амалдаги исботидир.

Адлия вазирлигининг ҳавас қилса арзиғулик яна бир хайрли таша-

ббуси ва ифтихорли ёрлиғи бор. Бу — “Тошкент ҳуқуқ баҳори” деб номланган юридик форум.

“Tashkent Law Spring” Халқаро юридик форуми илк мартаба 2019 йилнинг апрель ойида ташкил этилган эди. Унда 1 200 нафардан ортиқ ҳуқуқшунос ва бошқа соҳа мутахассислари иштирок этиб, уларнинг 250 нафари 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган хорижий иштирокчилардан иборат эди.

2021 йилнинг баҳорида эса мамлакатимизда мазкур Халқаро форум яна ўтказилади. “Тошкент ҳуқуқ баҳори” ф форуми тадбирлари мундарижасидан ҳуқуқ оламининг бетақрор манбаалари, янгилликлари, адолат сабоқлари ўрин олган.

Ўтган юридик форумда АҚШ, Англия, Австралия, Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Ирландия, Италия, Франция, Нидерланд, Швейцария, Польша, Канада, Молдова, Беларусь, Украина, Мальта,

Латвия, Литва, Россия, Грузия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Ҳиндистон, Малайзия, Туркия, Шри-Ланка, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатлар билан бир қаторда миллий экспертлар ҳамда Корея Республикаси, Сингапур, Россия, Афғонистон, Беларусь, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Шри-Ланка давлатларининг адлия вазирликлари ва қонунчилик тизими, дунёнинг етакчи арбитраж марказлари раҳбарияти иштирок этган бўлса, бу галги форум доираси янада кенгайиши кутилмоқда.

Юртимизни ҳадемай яна баҳор нафаси эгаллайди. Яна янги орзумидларга пешвоз чиқамиз! Халқаро ҳуқуқ оламини пойтахтимизга чорлайдиган “Тошкент ҳуқуқ баҳори” — адолат довуғи, ҳуқуқ истиқболи ва ҳуқуқ инқилобининг ёрқин кўзгуси бўлиши муқаррар!




Баҳор  
дуқшми!



Оғрик

**Б**УГУН қўл телефони ишлатган одам борки, у ҳар хил мобил гуруҳларнинг ҳам аъзосидир. Масалан, “қариндошлар”, “синфдошлар”, “курсдошлар”, “ишхона”, “дўстлар”, “маҳалла”... каби гуруҳларнинг аъзоси. Шунингдек, ўша гуруҳлар аъзолари ўзаро мулоқот чоғида ҳар хил ёзишмаларни амалга оширишади, хат ёзишади. Ҳеч эътибор берганмисиз? Ана шу ёзишмалар чоғида сўзларни тўғри ёзишга, тил қоидаларига қанчалик эътибор берамиз? Афсуски...



## “Кўр” бўлсанг ҳам, кўрсавод бўлма!

Сўз мулкининг султони, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий шундай ёзган эди: “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин”. Бас, бизни ҳайвондан ажратиб турадиган тилимиз, сўзимиз экан, нима учун сўздан фойдаланишда хатога йўл қўйишимиз керак, нега хато ёзишимиз лозим? Буни билимсизлик ортидаги ҳақорат, деб билмоқ жоиз?

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун орамиздаги одамларнинг телеграм ижтимоий тармоғи орқали бир-бирига йўллаётган ёзишмаларидаги хатоларга эътибор беринг.

Ресни телефон езинг нет ресга етинг

“Электросетнинг телефонини ёзинг, йўқ, электросетга айтинг”, демоқчи.

Хожаин хоп булади ташавардим

“Хўжайин, хўп бўлади. Ташлаб юбордим”, демоқчи.

Qoni qoshniila bara topsin

“Қўни-қўшниллар барака топсин”, демоқчи.

Lickamga yozvorin rasmini tawiman

“Личкамга ёзиб юборинг, расмини ташлайман”, демоқчи.

Махаллада боса агар

“Маҳаллада бўлса агар”, демоқчи.

Салом дустлар мен тошкани билмасам

“Салом дўстлар, мен Тошкентни билмасам”, демоқчи.

Севара борми нимага олақада йук

“Севара борми, нимага алоқада йўқ?”, демоқчи.

Худо холаса ташкилаштираамиз

“Худо хоҳласа ташкилаштираамиз”, демоқчи.

куевга жунатадиган торт борми расмини ташен

“Кувёвга жўнатадиган торт борми? Расмини ташланг”, демоқчи.

Бу рўйхатни хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, биз сўзларни хато ёзиш орқали билим савиямиз пастлиги, кўрсаводлигимизни кўрсатаёلمиз.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, сиз қўлингиздаги телефон орқали интернет имкониятидан фойдаланиб, таниш-билишлар билан ёзишмалар орқали мулоқот қиляпсизми? Унда ана шу қўлингиздаги матоҳнинг яна бир имкониятидан фойдаланинг: ёзишмаларда тўғри ёзаётганингизга шубҳа қилсангиз интернетга кириб, ўзбек тили луғатига қаранг ва ёзган сўзларингизни текшириб кўринг! Бу билан ҳам билимингиз ортади, ҳам обрўйингиз ошади.

Бугун одамлар нечоғлик кўрсавод бўлиб бораётгани, ҳатто ўз тилида тўғри ёзолмаётганини кўриб шу аҳволга келиб қолдикми, деб ўйлайсан киши. Энг ёмони, ижтимоий тармоқдаги чалама-чатти, хато, ҳақоратланган она тилимиздаги сўзларни шундай ёзиларкан-да, деган тушунчага бораётган авлод — сизнинг, бизнинг фарзандларимиз, невараларимиз улғаймоқда. Биз уларни ҳам кўрсавод бўлиб улғайишига сабабчи бўлаяёмиз. Чунки уларнинг қўлида шу телефондан бошқа нима бор, ахир, уларнинг қўлида газета, китоб йўқ-ку!

Тил муқаддас. Она тилимиз, деб фахр билан айтаемиз. Тилни ҳақорат қилманг. Сиз бу билан онангизни ҳам ҳақорат қиляпсиз!

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,  
 “Инсон ва қонун” муҳбири

“КЎНГИЛ қўлфи маҳраининг қўлфи тил ва гулфин калитин сўз бил”. Буюк Алишер Навоийнинг ушбу таърифи, яъни сўз инсон қалби хазинасининг калити эканлиги тилнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ўзида мужассамлаштирган.

## СЎЗ — БУЮК ҚАДРИЯТ, тил — абадият!

**П**резидентимиз Шавкат Мирзиёев таъкилаганидек, “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”.

Ҳар бир миллатнинг она тили халқаро миқёсда ҳам эътироф этилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослаштирилган ташкилоти — ЮНЕСКО 1999 йил 17 ноябрда ўзининг Бош конференциясида тил ва маданий турфалик ҳамда кўп тилликни қўллаб-қувватлаш ҳамсадида 21 февраль — Халқаро она тили куни деб белгилади. Ушбу сана 1952 йилда Даккада (ҳозир Бангладешнинг пойтахти) талаба ёшларнинг ўз она бенгал тилини мамлакат давлат тилларидан бири сифатида тан олинишини талаб қилиб намойишга чиққанларида полиция ўқларидан ҳалок бўлганликларининг хотираси сифатида танланган эди.

2003 йилда нишонланган Халқаро она тили кунини ЮНЕСКОнинг Бош директори К.Мацуура шундай деган эди: “Нега она тилига бу қадар катта эътибор берилди? Чунки тил инсон ижодиёти бутун турфалигининг бетакрор ифодасидир. Тил алоқа, англаш ва мулоҳаза юритишга хизмат қилиб, дунёни қандай тасаввур этишимизни ифода этибгина қолмасдан, ўтмиш, бугунги кун ва келажакни акс эттиради. Она тили эса ҳар бир инсоннинг туғилишидан бошлаб, у кейинчалик қанча кўп бошқа тилларни ўзлаштирмасин, атрофини ўраб турган воқеликни алоҳида кўз билан кўриш ва чуқур англай олишни бир умрга сақлаб қолади”.

Ҳақиқатан ҳам тил дунё халқларининг ўз миллий моддий ва маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришнинг қудратли воситасидир. Бевосита замон билан ҳамнафас бўла оладиган она тили туфайли миллатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолинад, ҳурмат қилинади.

Аммо ЮНЕСКОнинг баҳолашича, ҳозир жаҳонда мавжуд 6000 дан кўпроқ тилнинг тенг ярми яқин орада умрбод йўқотилади. Тадқиқотлар ҳар икки ҳафтада бир тил ўзи билан бетакрор маданий ва интеллектуал бой меросни ҳам олиб кетаётгани ҳолда исзис йўқолаётганидан далолат бермоқда. Инсониятнинг учдан икки қисми мазкур тиллардан фақат 14 тасида гаплашади, холос.

Олимларнинг айтишича, тил яшаши ва ривожланиши учун у билан энг камиде 100 минг одам гаплашиши керак экан. Аммо мавжуд тилларнинг 96 фоизда жаҳон аҳолисининг атиги 4 фоизигина сўзлашади. Африкадаги тилларнинг 80 фоиздан кўпроғи эса ўз она тилининг ёзувига эга эмас. Минглаб она тиллари эга миллатлар таълим тизимида ундан фойдалана олмайдилар. Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда аксарият она тилларни интернетда ишлатишнинг имконияти бўлмаётган. Яъни, миллатлар ўз она тили қолиб, бошқа устувор хорижий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар.

Турли қатогонлар, мустамлака сиёсати ва бошқа чеклашларга уринишларга қарамасдан миллатимизнинг улуғ, фидойи ва матонатли вакиллари она тилларини фақат сақлаб қолибгина эмас, мумтоз бадий асарлари, илм-фандаги оламшумул ихтиролари билан уни муттасил ривожлантириб ва бойитиб бордилар, бугунги авлодларга безавол етказиб бердилар. Ана шу мислсиз маънавий жасорат ту-

файли дунё миқёсида она тилимизда 50 миллионга яқин одам сўзлашади. Ушбу миқдор бўйича ўзбек тили юқорида қайд қилинган 14 та тил қаторидан ўрин олган.

Ўзбек тилимизга 1989 йил 21 октябрда, ҳали Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилмасдан аввалроқ давлат тили мақоми берилганлиги ҳеч шубҳасиз тарихий воқеа бўлди. Буюк алломаларимиз — Бериуний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Бобур Мирзо тили мустақил давлатимизда ўзининг қонуний ва эъзозли ўрнини мустаҳкам эгаллади, унинг халқро миқёсдаги обрўси ортди. Натижада она тилимиз юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Ўзбек тилининг бойлиги биринчи марта 80 мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, адабиёт, маданият, фан ва техника ҳамда бошқа соҳаларга оид атамаларни, шевадарда қўлланиладиган сўзларни қамраб олган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ёрқин ифодасини топди.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари она тилимизни эъзозлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Ушбу фармонлар билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санаси “Ўзбек тили байрами кун”и деб эълон қилинди. Махсус Давлат тилини ривожлантириш департаменти, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссияси ташкил этилди.

2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланиб, давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини оширишнинг аниқ тадбирлари белгиланди ва уларни 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастурини амалга оширишга киришилди. Жумладан, раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражасини ошириш, масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этиш, узлуқсиз таълимнинг барча турлари учун ўқув луғатлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда, “Ўзбек тилининг дўстларга” клублари сони кўпайтириляпти.

Шу билан бирга давлат бошқаруви, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, харбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, она тилимизнинг софлигини сақлаш ва бойитиб бориш, ахборот ва коммуникация технологиялари, айниқса, интернетда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Давлатимиз раҳбари таърифи билан айтганда, давлат тилимизга эҳтиром ва садоқат, она Ватанга эҳтиром ва садоқатга айланмоқда.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,  
 Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



# ЁҒОЧНИНГ БЎШИНИ ҚУРТ ЕЙДИ...

**ЙЎЛДОШ** ака мўмин-қобил одам. Шу вақтгача бировнинг дилига бирор марта ҳам озор бермаган. Ҳатто, невараси тенги болаларга ҳам “сиз”лаб гапирди. Яқинда у тақдир тақозоси билан суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. Қамалиши муқаррар эди. Бироқ... Яқинлари қолиб, жабрланувчи ҳам у тарафда бўлди: “Ҳамқишлоғимиз шу пайтгача ҳатто чумолига ҳам озор бермаган, яхшилигини ҳеч кимдан дариг тутмаган, акамнинг ўлими билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодиса, оддий эҳтиётсизлик оқибати, қасддан қилинган жиноят эмас”, деди марҳумнинг укаси.



... Суд ҳайъати томонидан айбланувчига озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Дарҳақиқат, шахс эҳтиётсизлик оқибатида ўзи ҳоҳламаган, истамаган тарзда, қасд ва хусуматдан холи равишда жиноят кўчасига тушиб қолса, буни кечириб бўлмайди. Бироқ қонунни онгли равишда, била-кўра қасддан, фарзли мақсадларда бузаётганлар ҳақида бундай деб бўлмайди, ундайларни асло кечириб ҳам бўлмайди.

## Йўлини атайлаб йўқотган йигит

...Яқинда Янгиариқ тумани “Қорақўз” маҳалласида яшовчи Адҳамбек Қодиров (эндиғина 25 ёшга тўлган) ҳам қонун олдида жавоб берди. Афсус... Суд жарёнида унинг жазосини енгиллатишни сўраганлар топилмади. Аксинча, атайлаб қилинган жиноий ҳаракат факт ва далиллардан ташқари, яқинларнинг гувоҳлиги асносида яна ҳам ошқор бўлди. Ахир, инсон онгини заҳарлаш, ёт ва ғайриинсоний ақидаларни ўзгалар тафаккурига синдиришга қаратилган ҳаракатни ҳеч ким маъқулламагани аниқ. Ўзгаларнинг тинч ва осуда ҳаётини ёт ва бузғунчи ғоялар, ақидалар ёрдамида издан чиқариш, турмушини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу оқибати жуда оғир қилмишлар сирасига қиради. Адҳамбек буни билиб туриб, ўз билганидан қайтмади.

У 2019 йилнинг май ойида Россия Федерациясига ишлаш учун кетган эди. Кейинчалик икдорлик билдиришича, ўзга юртдаги ҳаётининг дастлабки ҳафталариданоқ кўнглида динга нисбатан анча-мунча мойиллик

ҳисси пайдо бўлган, қизиқиши кучайган. Бу борада шу пайтгача деярли “хат-савод” чиқармаган бўлса-да, ўзини мўътабар динимизнинг зукко ва садоқатли билимдони сифатида тутган йигитча олис ўлкаларга бориб, уя қурган дин “пешво”ларининг бузғунчи ғоялари, маърузалари битилган аудио-видео лавҳалар, ёзувлар, тасвирларни аввалига ўз таниш-билишлари, кейинчалик эса бошқаларга бутунжаҳон ахборот тизими орқали мунтазам равишда етказиб туриш мажбуриятини зиммасига олди. Қилмиши қонунга мутлақ зид, даъватчилик, ақидапарастлик эканини билса-да, ўзини билмаган, сезмаган, кўрмаган, эшитмаган олди. У диний амалларга астойдил ва азбаройи ихлос, эътиқод қўйгани, ундан айро яшай олмаслиги боис боши билан шўнгиган, дерсиз. Асло ундай эмас! Унинг занг босган дили динимизга ёт ғоялар оламида яқиндан танилиш, ном чиқариш, ўзини осмон-у фалакларда қўришни тусайди. Йимони суст, ақли заиф бандалар бу йўл ва ундаги хавф-хатарлар, қалтис амалларнинг бор оқибати-ю, асоратини пайти келиб, боши тошга тегмагунча идрок эта олмайди. Таассуф... Бу йўлнинг охири ва қилмишнинг интиҳо-сини кўра-била олмаслигининг оқибати хоразмлик “диндор”ни ҳар мақомга йўғалатди.

Дарвоқе, мўмин-мусулмонлик аслида чин инсонийликдир. Унинг фарзу амалларини ўзгалар онги, турмушига зиён етказмаган, тафаккурини чалғитмаган ҳолда адо этиш инсонга қалбан ва руҳан покланмиш имконики беради, хайру савоб амалларга ундайди. Адҳамбек эса бундай

инсонлар тоифасига кирмаслиги аниқ.

Хуллас, ўзга юртда уй-рўзғори учун ишлаб, тирикчилик қилиш Адҳамбек учун асосий эмас, иккиламчи юмушга айланди. Бутун эътибори динни чаламулчаласига тарғиб-ташвиқ қилиш, уни ўзгалар онига синдириш, миясини заҳарлаш, бузғунчи ғояларни тарқатишга қаратилди.

## “Зубайр ибн Аввом” — интернетдаги “оғу”...

Адҳамбек “асос солган” “Атхам Қодиров” профили 2019 йилнинг май ойида фаолият майдонига чиқди. Хоразмлик “пешво” тез орада ана шу профил орқали “Малика Аҳмедова” номи билан аталувчи профил эгаси билан танишиб, ўзи томонидан тўпланган ва мамлакатимизда бузғунчи ғоя сифатида эътироф қилинган радиакал мазмундаги исломий маърузалар матнини мазкур тизим орқали унга йўллади. Адҳамбек бу билан кифояланмади. Атрофига синфдош дўстлари, қариндош-яқинлари, таниш-билишлардан иборат “толиби-илм”ларни жамлади. Уларни ҳам Яқин Шарқда уруш ва адоват оловини ёқиш, сепаратизмни кучайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга фатво беришдан ҳам тап торта-майди бир қанча ақидапараст “домла”ларнинг маърузалари, аудио-видео лавҳалар билан мунтазам “сийлаб”, таъминлаб турди. Булар ҳам етмаганидек, фаолиятини янада ривожлантириш йўлларини излашга тушди. Жаҳон глобал ахборот тармоғида ақидапарастликнинг янги ўчоғи — “Зубайр ибн Аввом” профилини ишга солди. Фаразли қарашларини одамлар орасига

ёйишга қаратилган янги бузғунчилик ўчоғи ана шу тарика юзага келди.

Бу борадаги ишлари юришавтганидан руҳланган ақидапарастда яна бир бузғунчи ният пайдо бўлди. Бутун дунёни қамраб олган улкан ахборот майдонига “Зубайр-Зубайр”, деб аталган янги профил пайдо бўлди. Албатта, уни ҳам Адҳамбекнинг ўзи яратди. (У ўзининг бу тадбирини муқаддам амалда бўлган “Атхам Қодиров” профилига кириш қодини унутиб қўйгани сабабли яратишга мажбур бўлгани билан изоҳлади. Диний парокандалик ва ёт ақидаларни тарғиб қилувчи бундай ноҳолис “исломий” таълим Яратганинг бандасига рўшнлик келтирмаслиги тайин. Буни Адҳамбекнинг хорижий юртдаги қизгин “диний” фаолияти ҳам тасдиқлади. Узоқ-ақин эллардаги неча-неча фуқароларнинг онгу шуурига чанг солинди, неча-неча кишилар ушбу бузғунчи даъватнинг домига тушиб, унинг қурбонига айланди. Адҳамбек пок ниятли мусулмонлар оламига мутлақо ёт ва нотаниш бўлган, аммо бузғунчи ғоялар майдонига бир қадар танилган калла эмас, салла эгаларининг маърузалари, аудио ёзув ва видео тасвирлар туширилган тасмаларни тарқатишни салкам 1 йил мобайнида қанда қилмай адо этди. Ана шу мuddат ичида ўзи танишишга улгурган мазкур давомли даъват, маъруза, аудио-видео лавҳаларни жами 17 тасини ўз профилига жойлаб, кўплаб фуқароларнинг онгини “заҳарлашга” улгурди.

Россиядаги салкам 1 йиллик хуфий “фаолият”дан сўнг 2020 йилнинг апрель ойида ўзи туғи-

либ ўсган юртга қайтган Адҳамбекнинг шубҳали қадамлари кўплар, шу жумладан, тегишли назорат органлари ходимларининг ҳам эътиборини ўзига тортиди. Интернет оламидаги тегишли профиллар эгасининг ҳақиқий номигина эмас, балки у содир этган жирканч қилмишлар кўлами ҳам ошқор бўлди. Тергов органи унинг турган-битгани бузғунчилик ва ақидапарастликдан иборат мазкур давомли кирдикорларини Жиноят кодексининг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатишга оид 244-моддаси билан малакалади. Суд бу айбни эътироф этди. Бироқ қонунларимиздаги багрикенглик ва кечиримлик тамойили Жиноят кодексининг зикр этилган моддаси бундай қилмиш ва кирдикорлар учун муқаррар равишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини кўзда тутса-да, унга Жиноят кодексининг жазони енгиллатишни кўзда тутувчи 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил мuddатга озодликни чеклаш жазосига тайинланди. Дарҳақиқат, қонун унга енгиллик берди.

Махшур масалдаги “Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим...” деган ақидани барчамиз яхши биламиз. Билими ва савияси паст, эътиқоди суст, маънавияти қашшоқ одамни енгши, тўғри йўлдан адаштириш осон. Адҳамбек каби онги заҳарланган ёшларни эса тўғри йўлга солиш осон эмаслиги аниқ...

**Шухрат РАЗЗОҚОВ,**  
жिनоят ишлари бўйича  
Урганч шаҳар суди раиси,  
Абдулла СОБИРОВ,  
журналист



## “БОЛҒАЛИ”НИНГ ЎҒАЙ БОҒЧАСИ

**БОЛҒАЛИ** Нарпай туманининг аҳолиси зич жойлашган қишлоқларидан бири. Бу ерда қарийб 7 мингга яқин аҳоли яшайди. Унга қўшни бўлган Чўмоқ қишлоғида эса 4 минг нафар ҳамюртимиз умргузаронлик қилади. Гап шундаки, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида иккала қишлоқ фарзандлари учун 70 ўринга мўлжалланган боғча қурилганди. Аммо салкам эллик йилдан буён фаолият юритиб келаётган мазкур

муассаса биноси айни пайтда жуда ачинарли ҳолатга келган.

Ачинарлиси, боғчанинг бир қисмидаги бинонинг гиштлари кўпорилиб, томлари очилиб қолган. Бинонинг бошқа хоналарида эса поллар тешилиб, девор сувоқлари нураб тушган.

— Халқимизда эскини ямагунча эсинг кетади, деган гап бор. Шунга қарамай, ҳар йили ота-оналар ва ҳомийлар ёрдамида

боғчани таъмирлаб, эпакага келтирамиз. Нима бўлганда ҳам қишлоқ болалари кўчада қолмасин, — дейди мазкур 33-мактабга таълим ташкилоти раҳбари Гулрух Зоирова. — Бинодан-ку бир йўлини қилиб фойдаланиб турибмиз. Бироқ боғчамиздаги бошқа муаммолар бизни қийнапти. Яъни ичимлик суви йўқ. Шунинг учун ҳар куни бирор ота-онадан илтимос қиламизки, улар қарийб 5-6 километрдан тоза ичимлик сувини ташиб келтириб беришад. Боғча ҳовлиси эса девор ва тўсиқ билан ўралмаган.

Гулрух Зоированинг таъкидлашича, тарбиячилар худди чегарачидек ҳар бир болани назорат қилиб ўтиришади. Уларнинг ота-онаси фарзандини боғчага ишониб топширган. Қолаверса, боғчада табиий газ ҳам йўқ. Оқибатда овқат пишириш ва хоналарни иситиш жуда қийин. Тўғри, кўмир берилар экан. Аммо ўлчовли бўлгани учун ундан бемалол фойдаланиш имконсиз. Хоналар етишмагани туфайли кўшни 18-умумтаълим мактабининг битта хонаси ижарага олинган. Мусиқа асбоблари етишмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлодни баркамол инсонлар

қилиб тарбиялашга энг устувор вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда бу нима деган гап? Ёки Болғали қишлоғининг кичкинтойлари ўғайми? Наҳотки, қурилганга эллик йил бўлган боғчада деярли бирор-бир шароит йўқлиги мутасаддиларни ташвишга солмас?

— Узоқ йиллар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаганман, — дея суҳбатимизга қўшилади меҳнат фахрийси Эгамберди Тоҳиров. — Ҳақиқатан ҳам боғчанинг аҳволи жуда ночор. Шу боис ишлаб юрган кезларимда янги боғча қурилиши учун кўп югурганман. Бироқ айрим мутасадди раҳбарларнинг лоқайдлиги сабабли айни иш ҳанузгача пайсалга солиб келинмоқда.

Биз ушбу мақола билан шов-шув қилмоқчи эмасмиз. Фақат шу ердаги болалар шаҳардаги тенгдошлари сингари қулай шарт-шароитларда таълим-тарбия олишса бўлгани. Умид қиламизки, ҳадемай газетамизда Болғалида янги боғча қурилгани ҳақида хушxabар тарқалса.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
журналист

Кўзгу




Ҳаётнинг минг турфа манзаралари, довлари, имтиҳонлари, чиғириқлари, армонлари, пуншаймонлари бор. Одамлар одатда ҳаёт номли китобнинг ёрқин саҳифаларини, бахтли тасо-дифлари, омадли воқеаларини кўпроқ кўришга ўр-ганган. Ҳаёт китобининг барчага ҳам кўриनावер-майдиган аччиқ сабоқлари, қутилмаган синовли варақлари ҳам борлигини инкор эта олмаймиз. Бугунги ҳаётдан олинган аччиқ лавҳаларни балки сиз ҳам эшитгандирсиз, ҳаётда гувоҳ бўлгандир-сиз... Эҳтимол...



## ОҲУ НОЛАСИ

# ДУНЁ МЕҲРГА ЗОР БЎЛМАСИН!



## ЯРАДОР КҮНГИЛ

Малика ўн йилдан буён “Меҳрибонлик уйи”да. Бу ердаги ҳамма нарса унга қадрли. Меҳрибон тарбиячилари, азиз дўстлари, сеvimли мактаби, турли тўғараклар, қадрдон кутубхонаси билан кун ўтганини билмайди. Аммо туннинг ўтиши қийин. Ҳар куни бир хил туш кўради.

Онаси келиб, уни бу ердан уйига олиб кетмоқчи бўлганини тушида кўриб, қувончдан юраги ҳаприқиб уйғониб кетади. Ёки тушида онаси дарвоза олдида уни мактабдан қайтишини кутиб турганини, уни узокдан кўриши билан қучоқ очиб у томонга югургани тушига қиради...

Онаси эса уни олиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто бир бор хабар олишга ҳам вақт топа олмайди. Умидвор тушлар билан уйғонган қизалоқ шунда ҳам онасини койимайди. Ундан ранжимайди. Ҳали тили ҳам чиқмаган ёшда уни бу ерга ташлаб кетаётганда оёқларини қучоқлаб, онасидан бутунлай ажралиб қолиш даҳшатини мурғак кўнгли сезгандек, йиғлаб, илтижо қилган бўлса ҳам, ўша тошбағир онасини айбламайди. Ўша манзарани онасининг қиёфаси борлиги учун соғинади. Шунча йил ўтса ҳам уни кутади. Меҳр шундай нарса қондан-қонга ўтади, жондан-жонга ўтади. Агар шундай бўлмаса, гўдак-лигида ташлаб кетилган болалар ҳам Она деб тил чиқарармиди?! Ҳаётда энг аламлиси шу эмасми?

Бундан ҳам аламли лаҳзалар бор. “Меҳрибонлик уйи” директори Дилбар опанинг айтишича, Малика иқтидорли қиз. Мактабда ҳам, бошқа тўғаракларда ҳам доимо фаол. Турли танловлар ғолиби. Со-вринлар эгаси. Олган совғалари ҳам бир талай, аммо унга онаси қачондир берган рўмолчадан азиз нарса йўқ. Бу рўмолчани ёстиги остига қўйиб, ҳидлаб ётади, тунлари йиғлаб ётади...

Қанчалар аламли, она ўз боласини ташлаб кетганда ҳам, унутганда ҳам, бола она меҳрини унутмайди, унутолмайди. Меҳр ярадор кўн-гилда умид бўлиб ашайди.

Эшонқул тоққа яқин қишлоқ одами. Дала дашту, тоғу тошлар-да ов қилишга одатланган. Табиатни муҳофаза қилиш идораси ходимлари неча бор огоҳлантирган, жаримага тортган бўлса ҳам ўрганган одати... ўлгунича қолмади.

Аллоҳ Китобида барча жонзотлар инсонлар каби “уммат” эканлиги таъкидланади. Айнан шу таъкид инсонни ўзи каби ум-мат бўлган барча жондиларга нисбатан меҳрибон бўлишга ун-дайди. Бу хусусда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Ер юзидаги ҳар бир юрвчи жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир” (Анъом сураси, 38-оят).

Эшонқул эса Аллоҳ китобидан беҳабар. Ҳар гал бегуноҳ, бе-озор жониворларга ўқ узганида тоғу тошларнинг бағри ларзага келади. Унинг эса юраги тошдан, баланд чўққилардан қулаётган ярадор оҳуларнинг ноласини, оғзидаги қонни кўриб юраги қилт этмайди.

Бир гал овлаб келган она кийикнинг қорнида боласи борлиги-ни кўриб, хотини Эшонқулга зорланди:

— Ичида боласи бор экан-ку, дадаси, бекор қилибсиз, уволига қолибсиз — дея изиллаб йиғлади. — Боланинг уволи ёмон. Ишқилиб, қарғишга қолманг... Ахир яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам албатта қайтади дейдиларку.

Эшонқул бу гапларга эътибор ҳам қилмади. Она кийикнинг қорнидаги боласини олиб ташлаб, ошналарини зиёфатга қақи-ришга ҳозирлик кўрди.

Орадан кунлар ўтди. Эшонқул бу гал ўн ёшли ўғли билан овга чикди.

Оҳуларни кузатди. Мана хуррак кийик тоғнинг энг баланд чўққисига чикди. У ўёки охири марта юксакликдан самога гў-зал нигоҳ ташлаётгандек эди. Кўёшнинг заррин нурлари гўзал жониворнинг кўзини қамаштирди...

Эшонқул чўққига ўқ узди. Бирдан тоғлар бағрида даҳшат акс-садо берди. Тошларга урилиб пастга тушаётган ярадор оху-нинг кўзи тўла ёш, оғзи эса қон эди...

Ўлжасининг пастга тобора ақинлашаётганини кўриб севин-ганидан югурётган эркакнинг кўзлари беихтиёр кўзлари очик ҳолда қотиб қолганча ерда ётган болага тушиб, чинқириб юбор-ди, кўлидаги қуролини пешонасига қадайдиган даражада ақдан озаёзди. Чунки... илоннинг захрига бардош беролмай бу ёруғ оламни тарк этган болақай унинг яккаю ёлғизи эди...



## ТҮЙМИ Ё АЗА?

ни кўра олмаганига ачиниш эмас, балки бугун ресторанга келган “казо-казо”ларнинг кўнгли-ни олиш ҳақида ўйлаётганлиги ҳар бир меҳмон қаршида тавозе кўрсатаётганлигидан шун-док кўриниб турарди.

Кекса онасини ўзи амаллаб кун кечираётган ҳамшира синглисига қолдириб берган, видо-лашув маросимига ҳам кечикиб қолган қўлини қаерга узатса етади-ю, ўз онасини бир бориб кўришга етмаган бадавлат кимса гўёки бугун-ги хотира зиёфати билан онаси олдидаги барча қарзларини узмоқчидек...

Ундан кўра онаизорини тириклигида бориб дийдори билан қувонтиргани ёки унинг иссиқ қабрига бориб, зиёрат қилгани афзал эканлиги-ни у ҳеч қачон тушунмаслиги аниқ. Чунки унга меҳр ва соғинч деган туйғулар аллақачон бе-гона бўлган...

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

Кеч куз... Катта шаҳардаги қўш қаватли эшикларидан кираётганда юраклар гўпилаб ўрадиган, биллур қандилларининг қароғонли-гидан кўзингизни юмсангиз ҳам қароғингиз нурларни сезадиган даражада ҳашамдор, энг қиммат ресторанлардан бири. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Гўёки тўйга ёки катта бир тантананага йиғилган-дек виқор билан меҳмонларни қутаётган йи-гитнинг уч кун аввал унинг йўлларига интизор бўлиб, чекка бир қишлоқдаги совуққина уйда оламдан ўтган онасини хотирлаш, дийдори-



# ФИРИБ

## ҲИКОЯ

**К**имсан, Қудрат эди. Исми-жисмига мос, куч-қуввати гулдирос. Шамолга шаппати тортса, довул дирилларди. Дам урса довулча қизарарди. Э-е-е-ей, мана бугун ўтирибди, хамласи ҳаводан енгил, бир нав бўлиб. Ҳол-мажоли йўқ. Жони-сўли ёшлик билан бирга кетди. Олдинги Қудратнинг шашти-шижоати қаёқда дейсиз? Умр ўтгач ўнгиригини ҳам ўнглай ололмаскансан. Эпкин эсса эсхонанг чиқади.

Олдинлари ҳеч бир касалликка бўйин эгмаганди. Кўрпа-ёстик қаёқда, бетобликни оёқда эзгилаб, тик турган ҳолда ўтказиб юборарди. Хасталик ундан ҳол сўролмади.

Аҳволини кўринг, ётибди; тоғ тагидаги тоғховлида. Зиппа-зич арчазорнинг қоқ ўртасида ўрнатилган шохсупада. Кейинги йиллар боши бетобликдан чиқмай қолди. Етмишдан ўтгандан сўнг қайси гўрдан шу беҳолликни орттириб олди, билмайди, нафаси қисиб кўзи тинади, қон босими ошиб, камига юраги ўйнайди. Бир неча бор ўлимнинг оғзидан қайтиб келди. Дўхтирларнинг ташхиси ўнг келгач, дориси ҳам аниқ бўлди; бу — анқонинг уруғи. Кичкинагина биллуртоб шишачага жойлашган ферузатус ҳалдори. Бир нечагина донаси қил устида турган ҳаётининг тирикликка қайтариши чинданам ғайойиб. Унинг суянчи ҳам, таянчи ҳам шугина биллуртоб шишача. Ферузатус ҳалдорисиз бир лаҳза ҳам ярим қадам нарига силжмай қолди; доимо ёнида олиб юради. Ҳа, шундай, кап-катта одамнинг шунга қараб қолиши, бу ҳам аламли-да. Ҳа, начора, нима деймиз, тақдирда бори...

Қудрат Соҳибовичнинг умри қурилишда — гишт-бетон, темир-терсак ичида ўтди. Ўсмирликда кичик бир қурилиш идорасида оддий гишт терувчи бўлди. Ўзи кўтарган гишт қа-торлари каби аста-аста юксалиб борди. Бригадир, раҳбар муовини, раҳбар кейин барча қурилиш идораларини жамлаган трестга каттакон. Мустақиллик келиб замон айлангач, ўзи бошлиқ бўлиб турган идорани бир пасда хусусийлаштириб олди. Эндиликда, компаниями, кооперациями, аллаббалонинг эгаси. Ҳар икки тузимда ҳам ошиги олчи — кечаги "совет" замонида ҳам, бизнинг бугунги давримизда ҳам қаноти қайрилмаган. Ҳа, шундай инсон, беадок бойлигу қанчалар дову-дастга,

обрў-эйтиборга эга киши, қўли вилоят туғул пойтахтда ҳам баландлигига қарамасдан, начора, бугун мана бундай одамови, манами шишачадаги ҳалдорига муте бўлиб ўтирибди. Ҳамма жойда айтгани айтган, дегани деган соҳибни қудрат жанобларининг баъзида ич-ичини аламли кулги ўртайди. "Бир қўлингга омон, бир қўлингга ерни кўтариб турганинг, бойлигинг ҳовлидаги шарқироқ ариқдай оқиб ётгани, доврўнинг дунёга кетгани билан барча топган-тутганидан мана шу икки донагина ҳалдори авло бўлиб тургач, Оллоҳимнинг че-варлигига тан бермай иложинг йўқда, Қудрат... Сен учун бугун дунёнинг моҳияти бир ютумгина ҳаво, шу икки донагина ҳалдори бўлиб турибди-ку. Дунё шу нарсага арзимай қолди-ку. Кеч бўлса-да, тирикликнинг моҳиятини англагандай бўлдинг-ку, Қудрат..."

...Қудрат Соҳибович муовини, олти йилдан бери қўл остида ишлаб, чаққону чиндиллиги билан ҳамманинг меҳрини тортган Шунқорни ўз хузурига чорлаб, масалани узил-кесил ҳал этишни ниёт қилди. Шогирд айтилган пайтда шамолдай учиб келди. Кекса "Бос" ишларни обдон суриштирди. Тагли-тугли, пухта-пишқ Шунқор ҳўжайиннинг ҳамма сўровларига жўяли жавоб берди.

Ўлка бўйлаб ёйилиб, доврў солган сертармоқ бунёдкор компаниянинг барча қурилиш ишлари рисоладагидай кетаётганини, хорижий сармоядорлар билан ҳам ишлар анча бадастур эканлигини ҳис қилган ҳўжайин Шунқор келтирган янги лойиҳаларни бирма-бир кўздан кечираркан, жонини жабборга бериб ишлаётган бу болани "бе-гона" қилмаслик керак, эҳтимол, хотин тўғри айтгандир, деган фикрга ҳам келди. Олти қизнинг қизил дурраси ҳовлиси дорини қизартган Қудрат Соҳибовичнинг супрақоқди қизи ҳам бўйи етиб қолганди. Беш қизини эрга берди. Шу олтинчисининг пешонасига битилгани балки, ўғиллик қилар деган ниёт ҳам йўқ эмасди.

Чунки, анави беш қувёнинг бари қурилишга ўқуви йўқ, гишт-бетондан нари кимсалар эди. Лекин ўз ишларини тўғри-либ олиши; кимсан фалончининг куёви. Ҳа, майли, ўз кунига омон бўлишсан.

Ҳўжайин лойиҳалар битилган қоғозларни супа четига қўйиб Шунқорга ўйчан тикилди. Шунқор ўнғайсизланди. "Анави

фирма билан шартнома тузиш борасидаги фикримни айтсам-микин? Қайфияти яхши. Балки рози бўлар. Жарақ-жарақ доллар оқиб келади, йўқ демас..." — деган ўй кечди хаёлидан.

— Менга нимадир демокчимсан, ўғлим? — Қудрат Соҳибович уни ўзига яқин олди, лекин нигоҳидаги алланечук таъкиб Шунқорни эсанқиратиб қўйди.

— Й-ў-ўқ! Ҳаммаси жойида, — доврўлади.

— Яхши қилибсан, хабарим бор, анави, фирмани бизга яқинлаштира, ўзинг ҳам ундан узокроқ юр. Шартнома тузиш борасидаги таклифини рад этиб, менга ҳам айтмай, тўғри иш қилибсан.

— А, А? Албатта, ҳар бир ишни қизнинг рухсатингиз билан қиламан...

— Ўғлим, Сен эртага шу пайтда кел. Айрим ҳужжатларни нотариусдан ўтказдириб қўяман. Бундан кейин компанияни ўзинг бошқарсанг деган фикрамдан.

Шунқор ўрнидан туриб кетди. Қутилмаган хабардан кўз олди тиниб, боши гир айланди. Дарҳол ўзини қўлга олди:

— Менга компания керакмас. Ёнингизда юрсам бўлди. Сизсиз мен ҳеч нарса қилолмайман.

Қудрат Соҳибович жилмайди:

— Ҳечқиси йўқ! Ёнингизда бўлман. Энди бизникига бориб яланга учрас. Ота-онангни келаси ҳафта меҳмонга чақирамиз деётувди. Мени рози, деб айт!

Шунқор гап равиши қай томонга кетаётганини фаҳмлаб, оёқ-қўли бўшашиб, ич-ичидан сурурбахш бир тўлқин мавж урди. "Демак, рози. Қизи ва хотини барибир ўз фикрини ўтказишди...", деган хаёлга борди.

Шунқор тоғховлидан хардам-хаёл бўлиб чиқди. Беш йилдан бери туну кун миясида ўрнашиб, илди отган оруз-армонларининг шу лаҳзада ушалаётганидан эс-хушини йўқотаёзди...

У машина орқа ўриндида ўз хаёллари оғушида сармасту сархуш чайқалиб бораркан, туйқус ҳайдовчига амр этди:

— Тўхтат, машинани. Чик, чиқиб тур, бир оз айланиб кел!

Ҳайдовчи унга ажабсиниб қаради-да, машинани тўхтатиб, ташқарига чиқди. Ёлғиз қолган Шунқор қўлтелефонини очиб, қаергадир қўнғироқ қилди.

— Ҳаммаси ҳал. Чол "пишиб", нарёғи яқин қолганга ўхшайди Келаси ҳафта фирмангиз билан шартнома тузамиз. Ҳа, ўзим имзо чекаман, — деди қатъият билан. — Фақат келишганимиз каби, ҳалигисини, "ғишт"ини олдиндан олиб келасиз! Гап битта! Тамом. Ҳозирча сир! Келишдик.

...Эртаси кун Шунқор тоғховлига айтилган вақтда етиб келди. Шохсупада ҳозир нозир бўлган ўғлонга Қудрат Соҳибович маъноли тикилди:

— Мен ҳамма ҳужжатларга имзо чекдим. Компанияни энди сен бошқарсан.

— Раҳмат, — деди у ўрнидан дик этиб туриб.

Ҳўжайин чап кўксини оҳиста силади. Юзида ҳорғинлик аломати.

— Кечаси билан ўхлолмадим. Яна ўша лаънати хасталик хуруж қилди. Ҳозир ҳам юрагим чимиллаб оғриб турибди. Йўқ, бунга компаниянинг умуман даҳли йўқ. Мен ҳаммасини ўйлаб қилдим. Даврим ўтганга ўхшаяпти, ўғлим, — Қудрат Соҳибовичнинг овози титраб қичди.

Шунқор шохсупа четидоги кумуш столчадаги ичимлиги яримлаган "Виски" шишасига кўз қирини ташлади. Ҳўжайинга ажабсиниб қаради.

— Ҳа, кеча бироз ичдим. Шунга юрак ўйнаб қолди, чоғимда, — деди айбдорона.

— Э-е-ей, ахир, Сизга мумкин эмас-ку!

Ҳўжайин оғир хўрсиниб, кўзларини юмди, ихради. Чап кўксини силаб Шунқорга азоб билан тикилди.

— Д-доримни оп ке, анови уйда, деразада қолдирибман, — оғир хансиради.

Шунқор унга хангу манг бўлиб термулди-да, уй томон югурди. Ҳўжайин ёстиққа суяниб, беҳол

чўзилди. Шунқор дераза раҳида турган ўша биллуртоб шишачани олди-да, бироз туриб қолди. Юзи қаҳрли тусга кирди. Деразани зарб билан очди-ю, шишачани уй ортида шарқираб оқиб турган катта ариққа иргитди. Шохсупага қаради. Ҳўжайин чўзилиб ётибди.

Тоғ ҳовли адоғида нималар биландир андармон бўлиб турган хизматкор бола югуриб келди.

— Йўйўқ-ку, дори йўқ, — деди Шунқор дағ-дағ титраб.

Хизматкор уй ичини гир-гир айлиниб, ўзини шкаф, диван ҳамда стол-стулар тагига урди. Эсхонаси чиқиб, дераза раҳини, пардалар ортини тимдалади.

— Х-х-ҳўжайин ўлиб қолади, — деди зор-қақшаб.

Шунқор турган жойида тош қотиб, шохсупадан кўз узмасди. Хизматкор эшикдан отилиб чиқаётганда Шунқор унинг билан гидан маҳкам тудди:

— Борма, ақинлашма, дориси йўқ, Барибир ўлиб бўлди. Сени айбдор қилишади. Кечаси билан "Виски" ичибсанлар-ку, ярамас...

Хизматкор эшикка суяниб турди-да, шилк этиб ерга ўтириб қолди. Ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Даврим ўтганга ўхшаяпти, ўғлим, — Қудрат Соҳибовичнинг овози титраб қичди.

Лаҳза ўтиб-ўтмай ҳўжайин томондан овоз келди:

— Анави шишадаги памил чойдан ичсанг бўларди. Сен ит эмган боласан. Ичинда ибис бор. Дори ҳамиша ўзимда бўлади. Ишондинг-а?...

Ёстиққа яримбел бўлиб суянган қўйи қаҳрли илжайган Қудрат Соҳибович ён чўнтагидан ўша биллуртоб шишачани олди.

Шу тобда... айна онда... Шунқорга нима бўлганини эса айтолмайман. Бу ёғини таърифлаб беролмайман.



Фарғона  
 вилояти

## 7 ЁШИДА “ТУФИЛГАН” БОЛА



**ҚУВАСОЙЛИК** Мавжуда Мўйдинова кўпдан буён Россия давлатида ишлаб юрарди. Шу боис ўғли Омадбек ҳам 2013 йил 17 октябрда ўша ерда дунёга келди. Омадбек 4 ёшга кирганда ҳоласи Гулсора Утанбаева уни ўз тарбиясига олди.

Аммо Гулсора опа жиянига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ололмади анча йил сарсон бўлди. Бу масалада ёрдам сўраб кирмаган эшиги қолмади. Негаки, боланинг туғилганлик тўғрисидаги тиббий ҳужжатларнинг асли мавжуд эмаслиги ана шу муаммони юзга келтирганди. Охир-оқибат Қувасой шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, Омадбекка туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олишда амалий ёрдам сўради.

Мазкур мурожаат шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганилди. Қувасой шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомилий органининг 2020 йил 20 августдаги қарорига асосан Г.Утанбаева Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси асосида 2013 йил 17 октябрда Россия Федерациясида туғилган жияни О.Мўйдиновга нисбатан дастлабки тарзда васий этиб тайинланган ва шунга биноан васий сифатида жиянига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш юзасидан Қувасой шаҳар ФХДЁ бўлимига мурожаат қилган. Бироқ ФХДЁ бўлими ҳужжатларнинг асли мавжуд эмаслиги туфайли ўзининг 2020 йил 3 сентябрдаги туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини тиклашни рад этиш хулосаси асосида туғилганлик гувоҳномасини расмийлаштиришни рад этган. Қолаверса, бу масалада фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Санкт-Петербург вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 16-сонли туғуруқxonанинг 2014 йил 21 майдаги ва 2015 йил 1 мартдаги тасдиқловчи маълумотномалари М.Мўйдинованинг 2013 йил 17 октябрда ўғил фарзанд туққанлигини тасдиқлайди. Лекин айнан шу ҳужжатларнинг асли мавжуд эмаслиги ва пандемия сабаб уларни олишнинг имкони йўқлиги боис Қувасой шаҳар ФХДЁ бўлими болага туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этган.

Шунинг учун шаҳар адлия бўлими томонидан Г.Утанбаеванинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ариза киритилди. Суднинг 2020 йил 27 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан 2013 йил 17 октябрда Россия Федерациясида туғилган О.Мўйдиновни фуқаро Мавжуда Мўйдиновдан туғилганлик факти белгиланди. Энг муҳими, суд қарорига асосан шаҳар ФХДЁ бўлими томонидан болага туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

**Эркин КОМИЛОВ,**  
 Қувасой шаҳар адлия бўлими бош  
 маслаҳатчиси

## Қачонгача “отанга бор, онангга бор...” дейсиз?

“ҚҲЙЛИҚ” дехқон бозорида фаолият юритувчи “Фазлиддин ота” хусусий корхонаси 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ортиқ савдо-сотиқ қилган ва шунга яраша қўшимча қиймат солиғи ҳам тўлаган. Тадбиркор 2020 йилда пандемия сабабли савдолари 460 миллион сўмга тушиб қолганлиги боис, қўшимча қиймат солиғидан озод қилиб, айланма солиқ турига ўтказишни сўраб Бектемир тумани давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилганда, унга Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасига мурожаат қиласиз, деб жавоб беришди, бошқармага мурожаат қилганда эса туманга боринг, дейишди...

Хуллас, “отанга бор, онангга бор” қабилда иш кўрилди. Шундан сўнг ҳафсаласи пир бўлган сарсон-саргардон тадбиркор Бектемир туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Солиқ кодексининг 462-моддасида солиқ тўловчи айланмадан олинандиган

солиқни тўлашга ўтилатган навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ун кундан кечиктирмай солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органини хабардор қилиши белгилаб ўтилган. Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 2 майдаги қарори билан тасдиқланган “Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18-бандида эса йил тугагандан кейин беш кун ичида, солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий тартибда рўйхатдан чиқариш тўғрисида ариза тақдим этилиши белгиланган.

Солиқ кодексининг 13-моддасида солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи келтирилган бўлиб, унга кўра солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин этилиши белгиланган.

## Халқ таълими бўлиmidан

### меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ундирилди

Косон туман адлия бўлими томонидан мазкур туманнинг “Жиззалик” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Гулсара Расулованинг бўлимига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида 4- умумий ўрта таълим мактаби директорининг 2019 йил 1 февралдаги буйруғига асосан шу мактаб ўқитувчиси Н.Холбоева ҳомиладорлик таътилига чиққанлиги сабабли Г.Расулова ишга қабул қилинган. Шунингдек, Г.Расулова меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган вақт учун Косон туман халқ таълими бўлими томонидан касаллик варақаларига асосан тегишли тўловлар амалга оширилмаганлиги аниқланди.


Тиббий маслаҳат комиссияси томонидан 2019 йил 19 сентябрда берилган

меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан Г.Расуловага 2019 йилнинг 30 май кундан 18 сентябрь кунига қадар даволаниш мuddати белгиланган. Н.Холбоева туғруқ таътилидан қайтганлиги сабабли Г.Расулова даволаниб юрган вақтда мактаб директорининг 2019 йил 2 августдаги буйруғи билан ишдан озод қилинган.

Шундан сўнг, Г.Расулованинг меҳнат қобилияти тикланмаганлиги ва соғлигининг ҳолати жарроҳлик амалиётини тақозо этганлиги сабабли

2019 йил 19 сентябрдан бошлаб, вақти-вақти билан 2020 йил 25 апрелгача бўлган мuddатда бир неча марта даволанишни белгилувчи касаллик варақалари очилган ҳолда даволанган.

Аммо туман халқ таълими бўлими томонидан Г.Расуловага 2019 йил 31



Тошкент  
 шаҳри



Туман адлия бўлими томонидан мазкур ҳолат ўрганилиб, туман солиқ идорасига тақдимнома киритилиши натижасида тадбиркорнинг 30 миллион сўм атрофида ортиқча солиққа тортилиши олди олинди ва қонунбузилишига йўл қўйган айбдор солиқ ходимига интизомий жазо чораси қўлланди.

**М.АБДИМУРODOV,**  
 Бектемир туман адлия бўлими  
 етакчи маслаҳатчиси



Қашқадарё  
 вилояти

августгача давом этган даволаниш даври учун меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб берилган ҳолос. Қолганлари эса эътибордан четда қолдирилган.

Шундан сўнг туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судига фуқаро Г.Расуловага тўланмай қолган меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини ундириб бериш ҳақида даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, туман халқ таълими бўлими ҳисобидан фуқаро Г.Расулованинг фойдасига 15 миллион 820 минг 798 сўмни ундириш белгиланди.

**Жонибек МҲМИНОВ,**  
 Косон туман адлия бўлими бошлиғи



Самарқанд  
 вилояти

## “Агросервис МТП” судга берилди



ПАЙАРИҚ туманидаги Увайсий кўчасида яшовчи С.Ширинбоев, Қ.Норбоев, С.Маҳмудов, У.Байматов, З.Маҳмудов ва М.Мамамановлар туман адлия бўлимига мурожаат қилиб,

Пайариқ “Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамиятида меҳнат фаолиятлари давомида тўланиши лозим бўлган жами 110 миллион 275 минг 111 сўмлик иш ҳақини ололмаётганлиги сабабли мазкур маблагларни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш давомида, ҳақиқатан ҳам Пайариқ “Агросервис МТП” МЧЖнинг ўз ходимлари иш ҳақи ҳисобидан тўланмасдан келинаётган 110 миллион сўмдан ортиқ қарздорлиги борлиги аниқла-

ниб, иш ҳақи маблагларини ундириш мақсадида туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Суд буйруқлари билан мазкур қарздорлик мажбурий тартибда ундирилиши белгиланиб, “Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлашга мажбур бўлди.

**Нодир КАМИЛОВ,**  
 Пайариқ туман адлия бўлими  
 бошлиғи

## Ҳоким қарори нега бекор қилинди?


ҒИЖДУВОН тумани “Армечан” маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи фуқаро Х.Қиличованинг “Нафиса Ҳафиза Омади” фермер хўжалиги ер майдони ҳокимнинг қарори билан олиб қўйилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, туман ҳокимининг қарори фермер хўжалиги раҳбарининг аризаси олинмасдан чиқарилган ва фермер хўжалигига тегишли ижара ер участкаси туман захира ерлар фонди ҳисобига ўтказилиб, қонунчилик талаблари бузилган.

Ваҳоланки, Ер кодексининг 24-моддасида ер участкаларини ижарага олиш шартномасини мuddатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан

бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилиши, 36-моддасида эса ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасининг ихтиёрий воз кечилганда бекор қилиниши кўрсатилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандида ер майдонини узоқ мuddатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш ва фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (туман, шаҳар ҳокими) томонидан тақдим этиладиган даъволар асосида,



Бухоро  
 вилояти

иқтисодий суд қарорига биноан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида ҳокимнинг Конституциямиз ва қонунларимизга, Президент ва Ҳукумат ҳужжатларига зид қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан қайта кўриб чиқиши қайд этилган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан туман ҳокимлигига киритилган тақдимномага биноан ҳокимнинг ноқонуний қарори бекор қилиниб, мурожаат ижобий ҳал этилди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**  
 Ғиждувон туман адлия бўлими  
 бошлиғи



— ИККИ ёшгача бола пули кимларга берилади?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандида "Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори даромад аниқланаётган давр учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52,7 фоизидан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади", деб кўрсатилган. Мазкур Низомга мувофиқ ариза берувчи оиланинг даромади белгиланган меъёрдан ошмаса, бола парвариши бўйича нафақа тайинланади.

— НОМИДА қиммабаҳо уйи ёки автомашинаси бўлса, бола пули берилмайдими?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомда уйнинг қимматбаҳолиги ёки оқдийлиги ҳисобга олиниши кўрсатилмаган, лекин мазкур Низомда оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалиги юриштидан оладиган норматив даромадини ҳисоблашда уй-жой бинолари ва ёрдамчи ҳўжалик иморатлари жойлашган ер майдонларидан ташқари, барча ерлар, шу жумладан, фойдаланилмаётган ерлар ҳам ҳисобга олинади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликини қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 3-илловаси 19-бандида ариза берувчи ёки унинг оила аъзолари номида ишлаб чиқарилган муддати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси ёки жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжуд бўлса, ариза рад қилиниши кўрсатилган. Демак, бундай ҳолатда бола пули берилмайди. Бундан ташқари, юқоридagi қарорда ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулк мавжудлиги сабабли ариза рад қилиниши ҳам кўрсатиб ўтилган.

— ДАВЛАТ идорасида ишлайдиганларга бола пули берилмайдими?

— Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандида "Ушбу Низомнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш қисмида амал қилиши, корхона ва ташкилотларда ишлаётган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур корхона ёки ташкилотлар маблаглари ҳисобидан нафақанинг ушбу тури тўланаётган оналарга татбиқ этилмайди", деб кўрсатилган. Давлат ишида ишлайдиган оналарга Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади, шу сабаб мазкур фуқароларга бола парвариши бўйича нафақа берилмайди. Бола парвариши бўйича нафақа, яъни 14 ёшгача болали оилаларга бериладиган нафақа олиши мумкин, лекин оиланинг даромади белгиланган меъёрдан ошмаган бўлиши лозим.

— БОЛА пулини олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига берилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ушбу даромадлари тасдиқловчи ҳужжатлар;
- болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;


Изоҳ: агар фуқаро асосан яшаб турган жойи бўйича нафақа ва моддий ёрдам олмақчи бўлса, аризага қўшимча равишда доимий яшаш жойи бўйича болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланмаганлиги ва тўланмаганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома ҳам тақдим қилиши лозим.

— ҚАЧОН бола пулини бериш рад этилади?

— Ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандида кўрсатилган меъёрдан ошиб кетса ариза рад қилинади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликини қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 3-илловаси 19-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўлса ҳам ариза рад қилинади, булар:

- идоралараро электрон ахборот тизими орқали кадастр ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулк мавжудлиги;
- ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида: ишлаб чиқарилган муддати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжудлиги;
- жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжудлиги;
- даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақи тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаъқатли аъзоси мавжудлиги.

Саволларга "Мадад" ННТ бош мутахассиси Абдор ЭЗОЗХОНОВ жавоб берди.



— ВОЯГА етмаган шахслар иштирокида ишончномани тасдиқлаш тартиби қандай?  
О.КУЗЕМБАЕВ,  
Учқудуқ тумани

— Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун ишончномани тасдиқлашни сўраб уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари мурожаат қилиши мумкин. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ишончномани тасдиқлашни сўраб ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан мурожаат қиладилар. Ишончномани тасдиқлаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинганида ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади. Бунда ота-онанинг розилиги ишончномани тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин. Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра хизмат сифарида бўлиш, бошқа жойда яшаш ва бошқа ваз билан ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилишда розилик бера олмасалар, ишончнома васийлик ва ҳомийлик органи вакили-

нинг иштирокида тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунининг 37-моддаси талабларига риоя этилади. Агарда алоҳида ариза кўринишида берилган бўлса, нотариус бу ҳақда тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўяди. Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз, деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш ва шу каби бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош торганда, шунингдек, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг руҳсати талаб этилади.



— ИШОНЧНОМАНИ тасдиқлаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби қандай?  
Л.БОТИРОВА,  
Томди тумани

— Ишончномани тасдиқлашда нотариус томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорларини доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундиради. Ишончнома гербли махсус бланкада чоп этилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ герб йўғми ундирилади. Тасдиқланаётган ишончнома, шу жумладан ишончномани тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори тизимда автоматик равишда ҳисобланади. Тизим орқали тўлов квитанциялари нотариал ҳаракатни амалга ошириш

учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони" рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади. Нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг амалга оширилади. Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йўғмажилдига тикилади. Ишончнома давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи яқин қариндош бўлган шахслар ўртасида тўзилмаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва уларнинг ксероносухаси олиб қолинади.

Саволларга Учқудуқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Элбек МУҲИДДИНОВ жавоб берди.

Инсон  
ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
руйхатга олинган  
ISSN 2020-7877  
19720307787008

Бош  
муҳаррир  
Қўчқор  
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалипович  
Тожиёв Фурад Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруза Ҳосилова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4336  
Бюрогма — V-4565

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 22:40

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоסי қолишган нарҳда

1 2 3 4 5



# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР



1956 йилдан бошлаб миллат вакиллари бирга ўлаштираган Мирзачўлнинг қоқ юрагида, инсон заковати ва меҳнати туфайли бунёд этилган улкан анҳорнинг икки тарафида ястанган, одамлари бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, дангалчилиги, меҳнатқашлиги, пешқадам футбол жамоаси билан ажралиб турадиган Янгйер шаҳри қадим Самарқанд, Бухоро, Шош, Хивага эвараю чевара ҳисобланса-да, ўзининг олимиш тўрт йиллик умрида бошидан не-не буюк воқеаларни ўтказмади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги нишонланаётганда мен Янгйер шаҳар тиббий – санитария қисмида кардиолог бўлиб иш бошлаганимга ҳам шунча вақт бўлганди. Ўша пайтда Ховос шаҳарчаси билан бирга яхлит бир шаҳарни ташкил этган Янгйер нафақат Сирдарё вилояти, балки бутун республикада катта маънаво эга чўл маркази ҳисобланарди. Салкам олтимиш минглик, еттидан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек умргузаронлик қилиб келаётган шаҳар қўлини кўксига қўйиб айтадиган бўлсак, катта маданий, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятга эга эди.

Айни ўша синогли кунларда бўлиб ўтган сессияда Муҳиддин Полвонович Нарзикулов Янгйер шаҳри ҳокими этиб сайланди. Соғлик-энг катта бойлик. Шаҳар аҳолисини энг кўп ташвишга соладиган, безовта қиладиган касалликларга қарши курашиш, беморларни сифатли даволаш, бунинг учун вазиятини ўрганиш ва тиббиёт маъсасаларида етарли шароит яратиш биринчи галдаги вазифам, дея янги ҳоким шаҳардаги илк ташрифини туғруқхонадан бошлаган, вилоятдаги юзлаб бош шифокорлар ва уларнинг жамоаларида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари

билан учрашиб етишмовчилик ва камчиликларни аниқлаб, аҳволни ўнглаш борасида шошилиш ва кескин чоралар кўраётгани шов-шув бўлиб кетди.

Тиниб-тинчиман ҳоким Ховос темир йўл бўлими бошлиғи Келдиёр Қаршиев иштиракида темирйўлчиларнинг “Ҳавотот” санаторийси бош шифокори Садриддин Тўрақулов, Янгйер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати профилактика раҳбари Виссарион Пак билан қоракдан гапириб, ёрдамга муҳтож беморларга ҳокимият қўшимча ёрдам кўрсатиши борасидаги келишувлар тафсилоти бир зумда тарқалди. Дориҳоналарда рўйхатга киритилган дори-дармонни узилишига йўл қўймаслик, керак бўлса, МДҲ давлатларига махсус экспедиторлар жўнатиш лозимлиги ҳақидаги талаблари ва тавсиялари ҳам элга ёйилди.

Шаҳар раҳбари суҳбат қилган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари Муҳиддин Полвоновичнинг нафақат жорий аҳволдан, балки бу йўналишлардан ҳам чуқур хабардорлигига қойил қоларди. Шундай тартиб ўрнатилдики, тиббиёт маъсасаларида учрайдиган эътиборсизлик ҳолатлари, ҳатто, “кўнгилдан чиқариб” берилган пул ёки “суюнчилар”, дориларни атайлаб қимматга сотиш ҳолатлари ўз-ўзидан барҳам топа бошларди. Афсуски, кейинги даврларда таъминотдаги етишмовчилик, маошларнинг камайиб кетиши габири иллатларнинг “расмийлаштиришига” олиб келди. 2016 йилдан бошлаб хусусий секторга кенг йўл очилиб, сифат курсаткилар асосий мезонга айланди.

“Тез ёрдам” қареталари, тиббиёт асбоб-ускуналари, дори-дармон, тиббий материалларнинг етишмовчилиги камчиликларни бартараф этишда

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Темир йўллар бошқармаси ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатаётганини биз шифокорлар ҳам ўз фаолиятимизда яққол сезардик.

Муҳиддин Нарзикуловнинг нафақат раҳбар ходимларга, балки оддий ишчи ва фуқароларга ҳам эътиборли эканликлари кўп мартаба гувоҳ бўлганман. Масалан, 1993 йили бир неча юз оила, жумладан тиббиёт ходимларига ҳам янги қурилган уйлардан ажратиб берганлар. Ушанда икки хонали ётоқхонада яшаётган чақалоқлар педиатри, ажойиб врач Илья Григорьевич Ким ва менга ҳам барча қулайликларга эга, катта ховлили кotteжи имтиёзли тарзда, бепул топширилганда адолат, ҳақиқат борлигига имон келтирган эдик. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳиддин ака республикамиз Мустақиллигининг анча қийин кечган илк даврларидаёқ иқтисодийнинг танглигига қарамастан, аҳолини, турли соҳа мутахассисларини ижтимоий қўллаб – қувватлаш, тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак билан таъминлаш учун имконият топа олганларини миннатдор Янгйер ва Ховос халқи юрагида сақлайди.

Юксак одамгарчилик, инсонийлик хислатлари мужассам Муҳиддин ака одамларнинг оғирини энгил қилишга қаттиқ бел болаган эди. Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазири билан маслаҳатлашиб Қариялар уйи ташкил этди, тажрибали шифокор Рустам Шокировни бу нозик муассасага раҳбар этиб тайинлади. Муҳиддин ака ҳаммиша маърифатли инсонларга алоҳида ҳурмат билан ёндашар ва уларнинг маслаҳатларига катта эътибор берар эди. У кишининг Облоқул Эркаев, Муҳаммадрасул Ҳожиёв, Самъё Самадов, Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши раиси Саидмурод Каримов, Баҳодир Иброҳимов, Ортикали Султонов, Ховос масжиди имом хатиби Мустақул Ҳожи Қораяв, Шомурод Холмуродов, Комилжон Абдуллаев, ҳамда шаҳар ИИБ бошлиғи Эргаш Абдуқодиров, мудофаа ишлари бўлими бошлиқлари Александр Тяв ва Ҳикматулла Қосимов сингари жанговар полковниклар, шунингдек, Умаржон Аҳмедов, Карим Зокиров, Толиб Нуралиев, Раимқул Абдуев, Шербўта Пиримқулов сингари сифдошлари, Юрий Холдодников, Иван Колесниченко каби хурматига гарт тегаман раҳбарлар билан бирга тадбирлар, оддий одамларнинг тўй-маъракалари ва таъзияларига ташриф буюриши, моддий ва маънавий ёрдамини аямаслиги аҳоли ичиде ижобий баҳоланар эди. 1997 йили раҳматли онаминг таъзияларига Янгйердан 70 км узоқ масофада

жойлашган Нафороч қишлоғи-мизга бир гуруҳ шаҳар раҳбарларига бош бўлиб келганларини ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Ҳокимлик лавозими билан боғлиқ сон-саноксиз масъулиятли вазифаларни бажариш учун суткада 24 соат ҳам етмайдиган бир вазиятда вақти қанчалик тигиз бўлмасин имконият топиб қўшни республиканинг чекка бир қишлоғига бориб одамгарчилик кўрсатиш камдан – кам одамнинг қўлидан келади. Бу мисоллар билан Муҳиддин аканинг беқиёс савабли ишларини айтиб тугатиб бўлмайди.

Файзимамат Мамадазимов, Дилбар Аббосова, Зулфия Бобонова, Ойсара Ҳожи Исломова, Санобар Қурбонова, Отамурод Турдимуродов, Журакул Ҳожи Худойбердиев сингари беморларга эътиборлиги, муомаласининг мулойимлиги туфайли аҳолининг эъзозига мушарраф бўлган юксак малакали врачлар шахримизнинг кўрки эди. Айни пайтда бу азиз инсонлар ҳамқишлоқ, мактабдош, синфдош сифатида ҳоким Муҳиддин Полвоновични болалигидан билишлари, айниқса, Шароф Рашидовнинг қўлида сабоқ олган, юксак маданиятли, илгор фикрловчи, ишчан, журъатли ва ҳалол раҳбар сифатида Жиззах шаҳри ҳокими, Сирдарё вилояти раҳбарларидан бири мартабасида шараф билан фаолият кўрсатгани ҳақида тўлқинланиб, гурурланиб эътироф этардилар.

Янгйер шаҳрида иш бошлаган кунларимда курашчи полвон, чавандоз ва меҳмондўст сифатида донг таратган раҳматли Полвоқул бобо, у кишининг барча оила аъзолари билан яқиндан танишиш насиб қилганди. Уч урушдан омон қайтган оқсоқол катта ҳаётий тажрибага эга, дунё кўрган, инсон эдилар. У кишида одамларни ички дунёсини бир кўришдаёқ англаш қобилияти, одамгарчилик, ҳаётий фалсафа жуда кучли эди.

Полвон бобо чин маънода полвон эди, Сўйгани рост, сўймагани ёлгон эди. Дўстларига қалқон эди тоғлар қадар Душманлари тоғ бўлса ҳам яқсон эди.

Кейин билсам, мамлакатда машхур оилавий сулоланинг ёрқин вакили, халққимнинг фидойий фарзанди Муҳиддин аканинг отаси экан! Онаси Басимархон Ҳожи ая миллатимизнинг ўта билимли ва маърифатли, қўри дидли ва иродали, ислом ва аймонда беназир, меҳнатқаш, ширинсўз ва софдил аёл эдилар. Бир сўз билан айтганда, таниганлар аяни оналик даражасининг энг юқори чўққисини забт этган мўътабар зот сифатида эъзозлар эди.

Муҳиддинни оналаринг али тўққан Бир вужудда минг хислатни ялли тўққан.

Бундай ҳолат юз йилда бир балки бўлар Гўё қорни эмас, балки қалби тўққан.

Муҳиддин ака ўз она қишлоғи ва ҳамқишлоқлари билан чексиз фахрланиб юради. Қаерда бўлмасин қайси лавозимда ишласин бир лаҳза ҳам она қишлоғини ёддан чиқармайди, вақт ўтган сари унга нисбатан меҳри тобора ошиб бораётганлиги ҳайрат туғдиради. Она қишлоғига бағишлаб ёзган “Жўйлангар қишлоғи”, “Асо”, “Олис юлдуз шуъласи” каби кўплаб илмий, тарихий асарлари буни яққол исботлаб турибди. Шунингдек, у “Хуқуқ ва бурч” журналида ҳам фаолият юритган.

Жамиятшунослик, иқтисодиёт, тарих, фалсафа, маданият ва санъат, тиббиёт, педогогика, психология сингари йўналишларда чинакам энциклопедик билимлар соҳиби Муҳиддин Полвон шу соҳалар мутахассислари билан мунозараларда бемалол энгиб чиқа оладиган даражада мулоқазали, мушоадалли олим. Муҳими, намунали оила бошлиғи, меҳрибон ота, доғишманд бобо, садоқатли дўстнинг баракали ва файзли умргузаронлик қилишида Судобахон янга ва етук даражада тарбияланган солиҳ фарзандлари Шоҳруҳ, Улғубек, Темур Малик ва келин – қизлари Малика, Наргиза ва Нозимахон, етти нафар набирасининг рағбатлантирувчи роли беқиёс.

Ёшнин писанд қилмай юқори жисмоний ва интеллектуал даражада ижод қилаётган, ўқимли қиссалар ва ҳикоятлар, эсселар ва бадиалар битиб, адабиётимизга хисса қўшаётган ҳамюрт адабимиз Муҳиддин Полвоннинг 70 йиллик тўйларини мен ҳам кўплар қатори ўз шахсий хурсандчилигим сифатида қабул қилман.

Шуурда ғалаён, хаёллар алвон, Бу дунё чинмикан, ё чиндан ёлгон. Дераза олдида, Етмиши билан Гаплашиб ўлтирар Муҳиддин Полвон.

Ўттиз йилдан бери оддий кишиларни ҳам машхурлар каби иззат қиладиган ҳар томонлама етук, талабчан, келажакда интилувчан, фидойий хизматлари билан ҳақиқати равишда эл-улус кўнглидан муносиб жой олган, илдири чукур одамийлик хислатларга бой М.Нарзикуловнинг обрўси баландлиги, таъмагирлик иллатига учрамагани, юксак эътиқодига шоҳидман. Раҳбар ишлаб турганда эмас, лавозимдан кетгандан сўнг ён-веридигилар таъриф берса, демек у одамнинг асл баҳоси шу!

Мустафо ЖўРАЕВ, Сирдарё вилояти эндокринология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, шоир

## ЭЪЛОНЛАР

Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги маънаво комиссиясининг 2021 йил 30 январдаги қарорига асосан вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 3 февралдаги буйруғига асосан адвокат Н.Ражабовнинг адвокатлик мақоми 3 ой муддатга, яъни 2021 йил 30 январдан — 2021 йил 30 апрелга қадар тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида” Қонуни 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомининг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 4 февралдаги 24-ум-сонли буйруғига асосан, Термиз шаҳридаги “Сурхон Барқамол Имон”

асосан, Термиз шаҳридаги “MARYA RAXMANOVA” адвокатлик фирмаси адвокат Алланазаров Мамарасул Муслимовичнинг вафот этганини сабабли унинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 131-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 807-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 19-банди икроси ҳамда бошқарманинг 2021 йил 4 февралдаги 24-ум-сонли буйруғига асосан, Термиз шаҳридаги “Сурхон Барқамол Имон”

адвокатлик ҳайъати адвокати Бердиев Азим Мейлиевичнинг адвокатлик мақоми 2021 йил 29 январдан 2 юм муддатга тўхтатилади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 28 январдаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги “Андижон” адвокатлар ҳайъати адвокати Тошхужаев Гафур Қасъимовичга 2018 йил 19 декабрда берилган АН 000059 рақамли ва Хўжабод тумани “Advokat Oosimov Sobir” адвокатлик бирои адвокати Қосимов Собир Солиевичга 2018 йил 25 декабрда берилган АН 000166 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда

адвокатлик мақоми унинг вафот этганиликлари сабабли тўхтатилади.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2021 йил 11 февралдаги буйруғига асосан “LEX CONSULTING” адвокатлик бирои адвокат Кенжаев Фаррух Равшоневичнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №0000957 адвокатлик гувоҳномаси №097, 25.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми унинг аризаасиз мувофиқ тўхтатилади.

Адвокат Каримов Нигора Раҳимовичнинг аризаасиз асосан унга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган ТН 000037 рақамли адвокатлик лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 29 январдаги 21-А-ум-сонли буйруғига асосан тўхтатилади.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 9 февралдаги 28-ум-сонли буйруғига асосан талабдор Журақулов Ҳождон Суннатовичга маънаво илқоқини тошширғанига сабабли маъмурий ва жиссий эъл ишларини қуртиш иқтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.